## Жонажон Ватан бўйлаб

◆ ТОЛЬЯТТИ (Куйбишев области). Вольжск автомобиль заводи ёшлар бригадасининг пайвандчилари шу йилнинг апрель ойида шаҳарда қурилаётган кинотеатрлар, спорт майдончалари, маданият уйи ва пионер саройи қурилишларини жадаллаштириш хусусида ташаббус билан чиққан эдилар. Улар йил бошидан бери ана шу объектларда 100 соат ишлаб бердилар. Ташаббускорлар ибратига ҳамма автомобилсозлар қўшилишдилар. Одамларнинг қурилишга ҳашарга чиқиш графиги ишлаб чиқилган ва унга қатъий риоя қилинмоқда. Бунинг шарофати билан қурилишлардаги пасайиб кетган суръат кўтарилди.

***

◆ СЕВЕРОБАЙКАЛЬСК (Бурятия АССР). Байкал бўйидаги шаҳарда «Илҳом» ишчи-ёшлар театрининг спектакли билан «БАМда театр баҳори» анъанавий фестивали бошланди. Бу гал ана шу фестивалда Байкал-Амур магистралидаги кўпгина шаҳарлар ва поселкалардан келган 15 коллектив иштирок этмоқда. Булар орасида тиндалик «Ёшлик» халқ театри ҳамда Ангарск шаҳрининг ҳаваскор артистлари бор. Ҳаммаси бўлиб, турли касб эгаларидан ташкил топган 200 киши трасса бунёдкорлари ва уни ишлатувчилар ҳузурида ўз санъатларини намойиш этадилар.

***

◆ ЧОРЖЎЙ. Ўрта Осиё дарё пароходчилигининг Чоржўй шаҳридаги маданият уйининг саҳнаси ҳам, томоша зали ҳам болалар ихтиёрига бериб қўйилди. Бу ерда болаларнинг балет студияси Андерсеннинг эртаги асосида биринчи спектаклини кўрсатди. Студиядаги ҳамма педагоглар бадиий ҳаваскорлик коллективларида тарбияланган бўлиб, жамоатчилик асосида ишламоқдалар. Ёш раққосларга постановкани рўёбга чиқаришда бошқа тўгаракларга қатнашаётган тенгқурлари ёрдам бериб, декорациялар тайёрладилар, музика партияларини ижро этдилар. Эндиликда Туркманистонда 170 минг киши ижод билан шуғулланаяпти. Кўпдан-кўп концертлар, конкурслар ва кўргазмаларда халқ ичидан чиққан ёрқин истеъдодлар ўз санъатларини намойиш этадилар.

***

◆ ХАРЬКОВ. Харьков магазинлари пештахталаридан йил-ўн икки ой сабзавот аримайди. Илгари худди шу кезларда сабзавот тақчил бўлиб турган бўлса, ҳозир маҳсулот миқдори ҳам, унинг тури ҳам етарли. Аҳолини сабзавот билан таъминлашни яхшилаш учун бу маҳсулотларни сақлаш пайтидаги нобудгарчиликларга барҳам берилди. Кўп омборларда совутиш ускуналарининг ўрнатилиши, ҳаво муттасил янгиланиб турилиши туфайли нобудгарчиликлар бир ярим баравар камайди.

(ТАСС).

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-86

# УЧ ҚИТЪА ЭКРАНИ




Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро кинофестивали давом этмоқда. Кино анжумани қатнашчилари маданият даргоҳларида фильмларни завқ билан кўрмоқдалар, томошабинлар билан учрашмоқдалар. Фотомухбиримиз Т. Каримовнинг ана шу лавҳаларида фестиваль воқеалари акс эттирилган.

## Пойтахтимиз фахри

**В. ЛАЙРИХ,**

**«Ўзбекистон» меҳмонхонаси хизматчиси.**



— Бизнинг кошонамиз пойтахтимизнинг фахридир. У ўзининг салобати ва пештоқига ўрнатилган ранг-баранг шиорлари билан ўзгача ҳусн касб этмоқда. Мен ҳар куни эрта тонгда ана шу кошонага хизматга келаётганимда унинг чиройига ифтихор туйғуси билан боқаман.

Бу меҳмонхонада бир неча йил мобайнида ишлар эканман, Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчиларига самимий ва маданий хизмат кўрсатиб келаётганлигимдан фахрланаман, улар учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қилганман. Меҳмонлар истиқомат қиладиган бу бино шунчаки бошпана бўлиб қолмай, балки унинг қўша-қўша заллари, даҳлизлари, хоналари кино санъати маҳорати ҳақида фикрлар авжига чиқадиган ўзига хос ижод мактабидир.

Менинг барча ҳамкасбларим фестиваль қатнашчиларини диёримизга хос меҳмоннавозлик билан кутиб олишди. Биз уларнинг яшаши, дам олиши, ижодий мулоқоти учун барча шароитларни яратиб беряпмиз. Чунки бу меҳмонларимизнинг яратган картиналари жаҳонда турли мамлакатлар халқларининг дўстлашуви, биродарлашуви, алоқаларнинг кенгайиши ва бутун ер куррасида барқарор тинчлик ўрнатилиши учун хизмат қилади.

Мунозара

# БИР МАВЗУДА УЧ СУҲБАТ

**Шаҳримизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро кинофестивали давом этмоқда. Ўзига хос ижодий маҳорат ва мулоқот кўригига айланган ушбу киноанжуман кунларида оқшомхонлардан редакциямизга кўплаб хатлар келмоқда. Мактубларда эса ҳаммамизни қизиқтирган мулоҳаза ва фикрлар билдирилган. Муаллифларни ўзбек киносининг фестивалдаги иштироки қандай баҳоланаётганлиги, бу анжуманнинг бизнинг киномизга бўладиган таъсири қизиқтиради. «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий» каби ёрқин картиналар кам яратилаётганлиги ташвишга солади.**

**Оқшомхонларни ўйлантираётган муаммолар хусусида пировард натижада мутахассисларнинг конкрет фикрларини билиш мақсадида биз ҳаммани ушбу мунозара-суҳбатга чорлашни истардик. Мухбиримизнинг Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий, оддий хизматчи Исмоил Халилов ва СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновлар билан бугунги суҳбатини ана шу бўлажак мунозара-суҳбатнинг дебочаси дейиш мумкин.**

**— Республикамиз киносининг ушбу анжумандаги иштироки ҳақида мутахассислар фикр билдиришар,**—дейди таниқли адиб Раҳмат Файзий. **—Аммо, кинофестивалнинг санъатимиз, умуман, маданиятимизга таъсири қандай бўлишини мен тасаввур қиламан. Ахир бу шунчаки бир фильмлар намойиши эмас, балки халқаро миқёсдаги жуда катта ижодий мулоқот. Агар биз унда фақат кузатувчи, томошабин сифатида иштирок этадиган бўлсак, кўп нарса ютқазган бўламиз.**

Албатта мен кинорежиссёр эмасман. Аммо ўзбек киноси тақдири мени ундан кам ўйлантирмайди ҳам. Баъзан шоша-пиша суратга олиниб, томошабин эътиборига ҳавола этилаётган бадиий фильмлар минглаб тиражда босилиб, чанг босиб ётган заиф китоблардан ҳам зарарли эканлигини тушунаман.

«Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий» каби ифтихоримизга айланган фильмларни яратиш учун эса фақат маҳорат ёки меҳнатнинг ўзи етишмайди. Бунинг учун аввал оддий халқ ҳаётини, тарихимизни билиш керак. Билибгина қолмай ана шу тарихни севиш, унга фарзандлик меҳри билан муносабатда бўлиш лозим.

«Тоҳир ва Зуҳра» фильмида бош қаҳрамонлар ролларини ўйнаган артистлар ҳозир қай соҳада ишламасин энг севимли киноартистларимиз қаторида эсланади. Фильм қаҳрамонлари номи айтилиши билан улар кўз ўнгимизда туришади. Биттагина роль ижро этиб халқ ёдида муҳрланиб қолиш бахти эса ҳар қандай артистга ҳам насиб қилавермайди.

Ана шундай фильмларимизнинг борлиги шубҳасиз, бизни қувонтиради.

Тўғри, бизда Иттифоқ ва халқаро миқёсда шуҳрат қозонган бадиий баркамол картиналар йўқ эмас. Аммо улар имкониятимиз даражасидан анча кам. Ҳолбуки, томошабинлар диққатини тортадиган етук картиналар яратиш учун бизда етарли замин бор...

**— Кинога болалигимдан қизиқаман, — деб эслайди Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасида слесарь бўлиб ишлаётган кино мухлиси Исмоил Халилов.— Биз унда колхозда турардик. Баъзан қишлоғимизга кино келса оёғимизни қўлга олиб, гузарга чопардик. Киночи одатда сергап бўлар, ҳали намойиш бошланмаёқ атрофига ҳаммамизни тўплаб оларди.**

Кинони эса биз шундай очиқ майдонда — ерда ўтириб кўрардик. Ўриндиқ йўқ, экран— оддий чойхона девори. Аммо ўша экранда содир бўлаётган воқеалар ҳаммамизнинг нигоҳимизни михлаб қўярди.

Мана, орадан йиллар ўтиб ҳамма жойда кўз кўрса қувонадиган муҳташам кинозаллар қурилди, юмшоқ креслолар қўйилди, намойиш этилаётган картиналаримиз рангли, кенг экранли, бироқ одамни ҳаяжонлантирмайди. Мен «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Генерал Раҳимов», «Сен етим эмассан» каби фильмларни кўрганимда йиғлаганман. Ҳозир ҳам ҳеч қандай туйғу бермайдиган, зерикарли тақлид — фильмларни кўрганимда ичимдан йиғлайман.

Наҳотки, қирқ беш кунда буюк канал қурилишини тамомлаган қаҳрамон халқ ҳақида ёрқин бир бадиий фильм яратиб бўлмаса? Ахир тайёр материал, ҳамманинг севимли китобига айланган романлар, қиссалар, ҳикоялар бор-ку? Оддий ишчи ҳаётини акс эттирган бирорта фильм йўқлигини ҳам айтиш керак.

**— Албатта бизнинг киномиз саҳифаларида ёрқин картиналар оз бўлса-да яратилганини таъкидлаш керак, — деди яна бир суҳбатдошимиз Зикир Муҳаммаджонов.—Бундай фильмлар билан биз ҳар қанча фахрлансак арзир. Бироқ, камчиликларимиздан кўпроқ гапирсак ютуқлар сари қадам ташлаган бўламиз. Бу —ҳаёт қонуни, партия ва ҳукуматимизнинг бугунги талаби ва шубҳасиз, виждоний бурчимиз. Кинематографчиларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган V съездида ҳам кино ва томошабин муаммоси мунозараларнинг бош мавзуларидан бири бўлди.**

Мен театр ва кино артисти сифатида томошабинларни тўлқинлантирган муаммоларга, киномиз истиқболи ҳақида куюнчаклик билан билдирилаётган истак ва мулоҳазаларга тўла қўшиламан. Машҳур кино артисти Евгений Матвеев ўринли таъкидлаганидек, ютуқларимизни ҳеч ким тортиб ололмайди ва камсита олмайди ҳам. Аммо истеъдод билан ёзилган сценарийлар, картиналаримиз қанча кўп бўлса шунча оз. Бизда кинонинг обрў-эътибори беқиёс. У миллионлаб томошабин кўз ўнгида саёз ва нурсиз жило сочиб турадиган бўлса, реал воқеликни акс эттирмаса, ҳаётнинг рўйи-рост тасвирини бермаса бизни кўп нарсадан маҳрум этади.

Съездда айтиб ўтилганидек, кино бу — коллектив ижод маҳсулидир. Демак, бу бизнинг ҳар биримизнинг зиммамизга—кино режиссёрга ҳам, актёрга ҳам, сценарий муаллифига ҳам, оператор ва ҳатто томошабинга ҳам янада катта масъулият юклаши лозим.

**Суҳбат шу ерда тугади. Бироқ биз уни якунлашга шошилмаймиз. Суҳбат мутахассисларимиз билдирадиган конкрет мулоҳазалар билан якунланади. Сиз азиз оқшомхонлардан эса шу мавзуда мактублар кутиб қоламиз.**

**М. ЮСУПОВ.**

Китоб жавонингизга

## Янги китоблар

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги янги китобларни чоп этди.**

◆ **Сўз масъулияти.** Навқирон мунаққидларнинг тадқиқотлари ва мақолаларидан иборат ушбу китобда адабий танқидчилигимизнинг турли масалалари хусусида сўз юритилади. Шермат Алламов, Ҳамидулла Болтабоев, Йўлдош Солижонов ва бошқа авторлар мақолалари бугунги насримиз ва поэзия муаммолари ҳақида. Ёшлар ижоди, устоз шоирларнинг поэтик ифода ва тилдан фойдаланиш санъати уларнинг асарлари мисолида тадқиқ этилади.

◆ **Осмон шундай яқин. Шеърлар.**

Ушбу тўпламга етти ёш шоирнинг ижодидан намуналар киритилган. Бу шеърларда она-Ватан, ўтмиш ва келажак, муҳаббат ва садоқат тараннум этилади. Авторларнинг бир-бирига ўхшамаган поэтик услуби, ифода усули, мавзудаги ранг-баранглик шеър мухлисларини хушнуд этади.

◆ **Донишманд чол. Болгар халқ эртаклари.**

Таниқли болгар ёзувчиси А. Каралийчевнинг ушбу китобига болаларга бағишланган қизиқарли эртаклари жамланган. Уларда муаллиф Ватанни, табиатни севишга чорлайди, катталарни ҳурмат қилиш, яхшиликка интилиш, ёмонликдан сақланиш ғоясини илгари суради.

Китобни рус тилидан Эркин Жабборов таржима қилган.

**С. АЗИМОВА.**

## БЕНГАЛ ТИЛИДА

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахона коллективи бенгал тилида китоблар нашр этишга киришди. Бундан аввалроқ бу ерда пуштун тилида китоблар нашр этиш йўлга қўйилганди. Шундай қилиб ҳозир басмахонада жами 12 хорижий тилда китоблар нашр этиладиган бўлди.

Коллективда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада ҳарф терувчилар Фая Насибулина, Толип Боймуродов, печатниклар Ўткир Юсупов, Абдусодиқ Тўйчиев кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Бу ишчилар смена топшириқларини 120—130 процент адо этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлашяпти.

Бу йил босмахона коллективи жами 1 миллион 300 минг сўмлик бадиий ва сиёсий адабиётлар нашр этишни режалаштирган.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда

# 7. „ЁВУЗ ОҒУ“ СЎҚМОҚЛАРИ

## СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИДАГИ НУҚСОНЛАР

**Ҳозир мамлакатимизда ичкиликбозлик ва алкоголизмни таг-томири билан тугатиш учун Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда. Хўш, шаҳримиздаги савдо шохобчаларида спиртли ичимликларни кескин камайтириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

**КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги» қарордан олдин шаҳримиздаги 1081 та магазинда спиртли ичимликлар сотилган бўлса, қарордан кейин 234 та магазинда сотишга рухсат берилди. Бу рақам шу йилнинг бошига келиб 194 тага, апрель ойидан бошлаб эса 124 тага тушди.**

**Биз шаҳримиздаги ихтисослаштирилган магазинларнинг баъзиларида спиртли ичимликлар савдоси қандай ташкил этилганлиги билан қизиқдик.**

Ленин райпишчеторгининг Биринчи май бозори территориясида жойлашган 13/1-магазинида (мудири О. Кан) катта савдо зали бўлмаса-да спиртли ичимликлар билан савдо қилиш бир кунда 15—20 минг сўмни ташкил этмоқда.

Пештахталардаги спиртли ичимликлардан ажратиб қўйилган лимонадларга қараб турганимизни пайқаган сотувчи:

— Лимонад ва бошқа чанқовбосди ичимликлар бир кунда зўрға бир яшик сотилади,— деб қўшиб ҳам қўйди.

Филиал ичкарисига кираётганларга разм солдик. Соатимизга қараймиз. Вақт 14.30. Баъзилар ишчи кийимида, баъзилари гандираклаб юришибди. Филиал атрофида, у ер бу ерда ичкиликка ружу қўйганлар тўп-тўп бўлишиб, нималарнидир баҳслашишмоқда. Магазин филиали ёнидан 150— 200 метр нарида — Стародубцев кўчасида «Узжилкоммункомплект» республика улгуржи-чакана базаси, 70-болалар боғчаси, 12-туғруқхона, «Силикат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент шиша маҳсулотлари тажриба заводи, «Ўзкоммуналадка» созлаш-юргизиш ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Сотувчилар ишчи кийимидаги харидорларга спиртли ичимликлар сотиш мутлақо мумкин эмаслигини наҳотки билишмаса?!

Сотувчи ва ичкиликка ружу қўйганларга қараб туриб Ленин район озиқ-овқат савдоси бўлимида (директори Л. Чупахина) ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш қандай олиб борилаётганини билиб олиш қийин эмасди.

Келинг, яна фактларга мурожаат қилайлик. Ленин райпишчеторгига қарашли 13-магазинда шу йилнинг тўрт ойи ичида ўтган йилнинг тўрт ойига нисбатан 473 минг сўмлик, 31-магазинда 94 минг сўмлик, 27-магазинда эса 287 минг сўмлик спиртли ичимликлар кўп сотилган.

Фактлардан кўриниб турибдики ён-верида корхона ва ташкилотлар жойлашган 13-магазинда спиртли ичимликлар сотуви 31, 27-магазинга нисбатан жуда кўп миқдорни ташкил этади.

СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: **«Ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилишлар, ўқув юртлари, ётоқхоналар, болалар муассасалари, касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, вокзаллар, пристанлар ва аэропортлар, маданият муассасалари ва томошахоналар яқинидаги савдо корхоналарида, меҳнаткашлар оммавий равишда сайл қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларда ва майда- чакана савдо тармоғида спиртли ичимликларни сотиш, шунингдек санаторийларда, дам олиш уйларида, профилакторийларда, туристик базаларда ва туристик юришларда, меҳнаткашларнинг коллектив бўлиб дам олишга чиқишларини ташкил этишда, жамоат транспортининг ҳамма турларида спиртли ичимликларни сотиш ва истеъмол қилиш таъқиқланди».** Юқоридаги фактлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам шаҳримиздаги баъзи савдо шохобчаларида қарорга тўла амал қилинмасдан ичкилик дуч келган ерда сотилмоқда.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни таг-томири билан тугатиш учун бундай магазинларни корхона ва ташкилотлардан узоқроқ бўлган масофага жойлаштириш билан бирга уларда спиртли ичимликлар сотилишига мутлақо йўл қўймасликка эришиш керак. Шаҳар савдо ва умумий овқатланиш бошқармалари, милиция, халқ дружиначилари, ҳушёрлик учун кураш жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти, шаҳар наркология диспансери, ичкиликбозлик ва алкоголизмни таг-томири билан тугатиш учун кураш олиб бораётган барча ташкилотлар, ҳар биримиз ана шулар ҳақида бош қотиришимиз лозим.

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,**

**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

## БОР БЎЛСИН ИРОДА

**Жамоатчи мухбиримиз шаҳримиздаги 4-шифохона бош врачи, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси Файзулла Юсупов билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:**

**— Спиртли ичимликларнинг киши организмига зарарли таъсири, ҳалокатли оқибатлари қадимдан маълум ва инсоният ичкиликбозликка қарши ҳар доим курашиб келган. Шу хусусда сиз нималар дейсиз!**

— Қадимги Хитой ва Грецияда спиртли ичимликларни ичган одамларни ўлимга ҳукм қилиш ҳақида қонунлар мавжуд бўлган. Қадимги Ҳиндистонда ҳам ичкилик ичишни қаттиқ тақиқлаганлар ва бу қонунни бузганларни ўлгунча вино ичишга мажбур қилганлар ёки пешонасига вино солинадиган идиш расми тасвирланган тамға босганлар. Ўрта асрлар Англияда ичкилик ичганларга бўйинтириқ кийгизиб, одамларга сабоқ бўлсин деб шаҳар кўчаларида сазойи қилишган. Демак, ичкилик азалдан ана шундай жирканч, инсониятнинг ва жамиятнинг лаънатига, нафратига учраган «касофат» одат экан, унга қарши кураш беаёв ва шафқатсиз бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бугунги кунда КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бортараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди ва ҳозирги кунда кенг кўламда амалга оширилмоқда.

**— Ичкиликнинг киши организмига таъсири тўғрисида ҳам гапирсангиз.**

— Спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи кишиларда энг муҳим ички органларнинг фаолияти издан чиқади. Меъда, ичакларнинг касалланиши, шунингдек, жигарнинг заҳарланиши кўп кузатилади. Бунда ичкиликбозларнинг жигар бужмайиши касалига гирифтор бўлишини, бу касалликни ҳаммавақт ҳам ижобий даволаб бўлмаслигини айтиб ўтиш керак. Ичкилик сурункали заҳарланиш, шунингдек, юрак мушагининг кенгайиб кетишига, юракнинг ёғ босишига олиб келади. Спиртли ичимликларни узоқ вақт истеъмол қилиш эндокрин, яъни ҳаётимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ички безларнинг фаолияти издан чиқишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кейинчалик мижознинг бутунлай суст бўлиб қолишига сабаб бўлади. Жигар, меъда, ичак йўлларининг заҳарланиши натижасида организмда модда алмашинуви издан чиқади. Истеъмол қилинган таомлар ҳазм бўлмайди ва қонга сўрилмайди. Бунинг натижасида киши саломатлиги учун зарур бўлган витаминлар етишмаслиги келиб чиқади ва дармонсизлик бошланади.

**— Ичкиликнинг киши нерв системасига таъсири ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Алкоголнинг ҳар қандай миқдори миянинг ҳужайраларига емирувчи таъсир кўрсатиб, қайтмас ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳужайраларнинг ўлиб бориши бора-бора ақлий қобилият, ирода ва хотиранинг ҳамда иш қобилиятининг сусайишига, тошюракликка, худбинликка, киши табиатининг қўполланишига, ҳис-туйғуларнинг йўқолишига олиб келади. Кишининг атроф-муҳитга қизиқиш доираси торайиб, маънавий дунёси тамоман қашшоқлашади. Улар бесабр, иродасиз бўлиб, қариндош-уруғларига, болаларига бўлган муҳаббатни, оила, ишхона ва жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини мутлақо йўқотадилар.

**Суҳбатни Ҳ. ТОЖИМАТОВ ёзиб олди.**




— Менга б-ари-бир, кирмасам кирмайман, аммо ишга нега келмадинг дейишса билиб қўй, ўзинг жавоб берасан...



— Вой шўрим, яна ичиб келдингизми, дадаси...

Ш. Субхонов расмлари.

